

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.I.01.11-РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХИДИРОВА ГАВҲАР РУСТАМОВНА**

**БУХОРО ВИЛОЯТИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.12- Миятақавий иқтисодият**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the Doktor of Philosophy (PhD)**

**Хидирова Гавхар Рустамовна**

Бухоро вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш механизмини  
такмиллаштири.....5

**Хидирова Гавхар Рустамовна**

Совершенствование механизма социально-экономического развития  
Бухарской области. .... 23

**Khidirova Gavkhar Rustamovna**

The optimization of the mechanisms of developing Bukhara oblast socially and  
economically..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works.....47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.I.01.11-РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХИДИРОВА ГАВҲАР РУСТАМОВНА**

**БУХОРО ВИЛОЯТИНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.12- Минтакавий иқтисодиёт**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4. PhD/Iqt177 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) илмий Кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.puu.uz](http://www.puu.uz)) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Аҳмедов Турсун Мухитович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий ошponentлар:** Назаров Шарафиддин Ҳакимович  
иқтисодиёт фанлари доктори.  
Низомов Аслиддин Бадриддинович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етақчи ташкилот:** Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.30.05.2018.1.01.11-рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил "29" март кунли соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй, тел.: 998-71-227-12-24, факс 998-71-246-53-21, 246-02-24, E-mail: [rector@puu.uz](mailto:rector@puu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (15 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй, тел.: 998-71-227-12-24, факс 998-71-246-53-21, 246-02-24, E-mail: [rector@puu.uz](mailto:rector@puu.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил "2" кунли тарқатилди.  
(2019 йил "11" март даги №2 рақамли реестр баённомаси).



**Ш. Г. Юлдашев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**П.З. Хашимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, иқтисодиёт фанлари номзоди,  
доцент

**А.М. Содиков**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт  
фанлари доктори, профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиёти ва турли илмий тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, минтақаларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан ҳамда имкониятларидан самарали фойдаланиш мамлакатда иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бирига айланмоқда. Бунда ҳар бир минтақанинг рақобатбардошлик афзалликларидан, мавжуд табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ва меҳнат салоҳиятидан унумли фойдаланишни таъминлаш орқали комплекс ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда минтақаларни комплекс ривожлантиришга эътибор кескин кучайтирилиб, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, махсус мақсадли давлат дастурлари ва чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг иқтисодий ислохотларни янги, янада юқори даражага кўтаришга эришиш учун амалга ошириладиган устувор вазифалар қаторида "...худоудларни комплекс ривожлантириш тадбирларини изчил давом эттириш" деган сўзларини таъкидлаб ўтиш лозим<sup>1</sup>.

Шу сабабли минтақадаги мавжуд салоҳиятдан унумли фойдаланишга қаратилган ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, юқори иқтисодий ўсишни таъминловчи янги омилларни излаб топиш долзарб муаммолар қаторига киради. Айниқса, барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи рақобат афзалликларига эга етакчи тармоқларни аниқлаш, уларнинг минтақадаги бошқа соҳаларни ривожланишига тўртки бўлишини илмий-услубий асослаш, бу борада жаҳон амалиётидаги илғор тажрибаларни, инновацион усул ва моделларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги", 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон "Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида", 2019 йил 10 январдаги ПФ-5623-сон "Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонларида, шунингдек 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон "Худоудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ва минтақаларни комплекс ривожлантиришга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор йўналишлар ва вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мўслиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. "Демократик ва ҳуқуқий жамиятни

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. // "Халқ сўзи", 2018 йил 29 декабр.

маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодийни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг айрим илмий-услубий ва амалий жиҳатлари қатор хориж ва мамлакатимиз олимлари, М.Бандман, Ж.Будвилль, Ф.Перру, В.Кристаллер, А.Леш, У.Изард, А.Гранберг, С.А.Суспицин, А.С.Солиев, М.А.Абдусаломов, К.Х.Абдурахмонов, Ҳ.П.Абулқосимов, Т.М.Ахмедов, А.А.Қаюмов, Б.Р.Рузметов, Ф.Т.Эгамбердиев, А.М.Содиқов, Ш.Х.Назаров, А.М.Қодиров, А.В.Маматқулов<sup>2</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган. Шундай бўлсада, илмий адабиётларда аксарият ҳолатда минтақаларнинг анъанавий ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эътибор берилган бўлиб, тараққиётнинг ўсиш нукталари (тармоқлари), мультипликатив самара, ягона тизим ва ўзаро боғлиқлик асосида келажак ривожланишини стратегик режалаштириш моделлари етарлича тадқиқ этилмаган. Шу сабабли минтақа иқтисодийнинг келажакда ривожланишига тўртки бўладиган тармоғини аниқлаган ҳолда, яхлит тизим сифатида амалга ошириш механизмини такомиллаштириш жуда долзарб бўлиб, ушбу тадқиқот мавзусини танлашга асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Минтақани комплекс ривожлантиришда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бухоро вилоятини келажакда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш механизмини такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

минтақа иқтисодийнинг ўсишини таъминлашда тармоқларнинг ўрни ва аҳамиятини асослаб бериш;

минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир қилувчи тармоқлар ва улар орасидаги боғлиқликнинг услубий жиҳатлари бўйича илмий тақлифларни ишлаб чиқиш;

вилоят иқтисодийнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари, тизимли муаммолари ва омилларини аниқлаш;

---

<sup>2</sup>Бандман М.К. Территориально-производственные комплексы. – Новосибирск, Наука. 1990; Леш А. Географическое размещение хозяйства.- М.: 1959; Изард У. Методы регионального анализа.-М.: Прогресс, 1966; Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. – М.: 2000; Шиппер Р. и др. Региональные проблемы рыноковедения. – Новосибирск, Наука. 1993; Рафиев А.А. Хоризонт инвестициялари жалб қилишнинг минтақавий хусусиятлари.– Т.: 2011.–23 б. Суспицин С.А. Методы и модели координации долгосрочных решений в системе «Национальная экономика и регионы».-Новосибирск.: ИЭОПП, 2017; Солиев А.С., Янчук С.Л. Размещение производительных сил и поляризованное развитие экономики Узбекистана.-Т.: 2005, -173 с.; Абдусаломов М., Алимов А. Производительные силы и совершенствование экономических связей. – Т.: Узбекистан, 1986; Абдурахмонов К.Х. и др. Размещение производительных сил. – Т.: 2006; Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодийни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. -Тошкент: Noshirlik yo’lida, 2018. -520б. Ахмедов Т.М. и др. Региональная экономика. – М.: 2006; Рузметов Б.Р. Комплексное развитие региона. – Т.: 1998; Садыков А.М. Основы регионального развития. – Т.: 2005; Эгамбердиев Ф.Т. Региональные особенности развития агропромышленного комплекса. – Т.: 2003; Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов. Т.: 2011.

вилоятнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишларини илмий асослаш;

вилоят иқтисодиётини етакчи соҳаларидан бири бўлган туризм билан ўзаро боғлиқликда ягона тизим сифатида ривожлантиришга қаратилган илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

ўрта ва узоқ муддатли истиқболда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бухоро вилояти иқтисодиёти танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб Бухоро вилоятини ривожлантириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда мақсадли режалаштириш, монографик кузатув, статистик гуруҳлаш, тизимли ва қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

вилоят иқтисодиётининг нисбий етакчи соҳаси бўлган туризмни муҳим ўсиш омили сифатида ривожлантириш стратегиясининг услубий асослари такомиллаштирилган;

маҳаллий табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланган ҳолда вилоятни ўрта ва узоқ муддатда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва мақсадли прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

вилоятда етакчи тармоқ (ўсиш нуктаси) билан бевосита боғлиқ бўлган янги озик-овқат ва енгил саноат корхоналари, экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, зиёрат ва тиббиёт туризми объектларини жойлаштиришга қаратилган инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар берилган;

вилоятда номарказлаштириш тизимини қўллаган ҳолда, шунингдек Бухоро, Ғиждувон ва Когон шаҳарларида махсус кластерларни ташкил қилиш орқали вилоят, туман ва шаҳарлар иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини тартибга солишни такомиллаштириш механизми тавсия этилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

минтақавий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг илмий-услубий асослари (узоқ муддатли ривожланиш стратегияси, қонуний-ҳуқуқий асослари, номарказлаштириш, давлат дастурлари) таклиф қилинган;

вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва туризм ўртасидаги боғлиқлик, унинг иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигига таъсири илмий асосланган;

вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари, табиий-иқтисодий салоҳияти баҳоланган, мавжуд тизимли муаммолар аниқланган;

вилоятни барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишлари асосланган, узоқ муддатга мўлжалланган мақсадли чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш истиқболлари аниқланган;

иқтисодиётни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган институционал ва иқтисодий механизмни такомиллаштириш, вилоятда туризм, саноат, кишлоқ хўжалигини, инфратузилмани жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Қўлланилган илмий ёндашув, илмий назариялар, усуллар бўйича маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги; амалга оширилган таҳлиллар, монографик кузатув ишларининг самарадорлигининг тизимли ёндашув, математик-статистика, мақсадли дастур усуллари воситасида илмий асосланганлиги; хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги; олинган натижаларнинг мутасадди вазирликлар ва ташкилотлар томонидан маъқулланганлиги тадқиқотнинг ишончлиликлари даражасини тасдиқлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот натижасида олинган ва илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий ва услубий таклиф ҳамда тавсиялардан минтақаларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни туризм соҳаси билан узвий боғланган ҳолда амалга оширишга қаратилган инновацион илмий лойиҳаларни ишлаб чиқишда, устувор илмий-техник йўналишларда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан минтақа иқтисодиётини барқарор ривожлантириш концепциялари, стратегиялар ва давлат мақсадли дастурларини тайёрлашда, мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш йўллари аниқлашда, туризмнинг иқтисодий ўсишга қўшаётган ҳиссасини баҳолашда, вилоят иқтисодиётини модернизациялашда, янги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда, маҳаллий ҳокимликларнинг минтақани ривожлантиришдаги масъулияти ва вазифаларини аниқлаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бухоро вилояти иқтисодиётини келажакда барқарор ривожлантиришга қаратилган услубий ва амалий таклифлар амалиётга жорий қилинган, жумладан:

вилоят иқтисодиётининг етакчи соҳаси бўлган туризмга асосланган стратегик ривожланиш механизмидан Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 16 августдаги 87-сонли буйруғига кўра мамлакатнинг ва Бухоро вилоятини 2019-2030 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 7 майдаги ММ-6-5/20. Г-62шш-сон далолатномаси). Ушбу таклифларни амалиётда жорий қилиниши вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш услубларини такомиллаштиришга, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг ошишига хизмат қилди;

маҳаллий табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланган ҳолда вилоятни ўрта ва узоқ муддатда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва мақсадли прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишда

Бухоро вилояти ҳокимлигининг 2018 йил 3 декабрдаги 2/6317-сонли байёномасига мувофиқ тадқиқот натижалари вилоятнинг 2030 йилгача ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий концепцияси ҳамда келажақдаги мақсадли кўрсаткичларни (яъни ҳудудий маҳсулот, экспорт, бандлик) асослашда фойдаланилган (Бухоро вилояти ҳокимлигининг 2018 йил 5 декабрдаги 2/6352-сон далолатномаси). Берилган тавсияларни амалиётда қўлланилиши маҳаллий табиий-иқтисодий салоҳиятдан оқилона фойдаланиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва бандлик муаммоларини ҳал қилиш имкониятини берган;

Бухоро вилоятида ўсиш нуқтаси (туризм) билан бевосита боғлиқ саноат (енгил ва озиқ-овқат), қишлоқ хўжалиги (экологик тоза маҳсулотлар, янги туризм хизматлари бўйича таклифлар инвестицион лойиҳалар портфелини шакллантиришда Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 16 августдаги 87-сон буйруғига кўра фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 7 майдаги ММ-6-5/20. Г-62шш-сон далолатномаси). Мазкур таклифни амалиётда жорий қилиниши вилоятда маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмининг ошишига, экспорт салоҳиятини кўпайтиришга, янги иш ўринларини ташкил қилишга имкон яратган; вилоят, унинг туманлари ва шаҳарлар иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳасини бошқаришдаги ўрни, вазифалари ва масъулиятини ошириш, маҳаллий бюджет салоҳиятини кўтариш, Бухоро, Гиждувон ва Когон шаҳарларида махсус туристик кластерларни ташкил қилишга йўналтирилган таклифлар 2019 йилда самарали давлат бошқарув тизимини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 7 майдаги ММ-6-5/20. Г-62шш-сон далолатномаси), Бухоро вилояти ҳокимлигининг 2018 йил 3 декабрдаги 2/6317-сон байёномасига мувофиқ маҳаллий бошқарув органлари вазифа ва мажбуриятларини кенгайтириш, номарказлаштириш бўйича берилган таклифлар “Маҳаллий ҳокимликлар тўғрисида”ги янги қонун лойиҳасида ўз аксини топган (Бухоро вилояти ҳокимлигининг 2018 йил 5 декабрдаги 2/6352-сон далолатномаси). Ушбу тавсияларнинг амалга оширилиши маҳаллий ҳокимликларнинг мустақил фаолият олиб боришга, ташки ва ички имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга, ҳудудий бошқарув тизими самарадорлигининг янада ошишига олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола (15 та республика, 5 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида амалга оширилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, унинг объекти, предмети ва усулларига тавсиф берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва амалга оширилганлиги очиб берилган, илмий ишнинг натижалари апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумот келтирилган.

Диссертациянинг “**Минтақа иқтисодиётини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг илмий-услубий асослари**” деб номланган биринчи бобида иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштириш шароитида минтақани комплекс ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, тармоқларни минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсири, минтақани хориж давлатлар таърибасидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш механизмлари тадқиқ қилинган.

Минтақавий иқтисодиёт умуммамлакат миқёсида шаклланаётган ягона бозор тизимида устувор йўналишлар қаторига кирган ҳолда, марказий ва тармоқлар бошқарувида ўзига хос ўринга эга. Иқтисодий манфаатлар (давлат, минтақа ва тармоқ) мураккаб жараён бўлиб, муаллифнинг фикрича, минтақавий иқтисодий манфаатлар ҳудудда яшовчи аҳолининг ҳозирги ва келажакдаги эҳтиёжлари бўлиб, мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланган ҳолда барқарор ривожланишнинг мақсад ва вазибаларини белгилайди.

Ҳозирда амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясининг таҳлили мамлакатимизда олиб борилаётган ҳудудий сиёсатнинг устувор йўналишларини аниқлаш имкониятини беради (1-расмга қаранг).

Булар: махсус ривожлантириш зоналарини ташкил қилиш, мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, номарказлаштириш сиёсатини олиб бориш, туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда минтақавий ривожланиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда минтақа иқтисодиёти тармоқ таркибини такомиллаштириш мақсадида бой табиий-иқтисодий салоҳиятдан оқилона фойдаланиш орқали меҳнат тақсимотининг устуворлиги ва рақобатдошлиқни таъминлаш асосий омилар қаторига киради. Айниқса, минтақавий ривожланишда тармоқларнинг ўзига хос хусусиятлари етарлича эътиборга олинмаса, туризм номунаносибликлар вужудга келиши мумкин. Шу сабабли минтақада рақобат афзалликларига эга етакчи тармоқларни қўллаб-қувватлаш ва маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали иқтисодиётнинг бошқа соҳаларини барқарор ривожлантириш асосий йўналишлардан ҳисобланади.

Минтақа иқтисодиёти тармоқлари таркибида туризм ўзига хос ўрни, аҳамияти, бошқа соҳаларга таъсири билан ажралиб туради. Туризм хизматлари маълум минтақа доирасида амалга оширилади, бу эса маълум

масофа ва вақтнинг сарфланишига олиб келади. Минтақадаги табиий-иқтисодий салоҳият бевосита туризмга бўлган талабнинг шаклланишига таъсир кўрсатади ва уни асосий ўсиш нуқтаси сифатида асослаш мумкин.




1-расм. Минтақаларни комплекс ривожлантиришнинг ҳаракаталар стратегияси ва ҳудудий сиёсат<sup>3</sup>

Илмий ва услубий нуктаи назаридан алоҳида тармоқни, жумладан туризмни минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири кам ўрганилган. Тадқиқотда ўсиш нуқтасини (туризм) минтақа иқтисодиёти тармоқларига таъсири ва боғлиқлигини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган (2-расмга қаранг).

Минтақанинг туризм салоҳияти, авваламбор, иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга бевосита таъсир кўрсатади. Асосий ўсиш нуқтаси сифатида туризм минтақадаги турли хизматлар (банк ва молия, алоқа ва ахборот технологиялари, суғурта, транспорт, уй-жой ва коммунал хизматлар, меҳмонхона ва дам олиш уйлари, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, умумий овқатланиш ва бошқалар), қурилиш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш (саноат ва қишлоқ хўжалиги) билан боғлиқлиги асослаб берилган. Айниқса минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни

<sup>3</sup>Тадқиқотчи ишланмаси.

ривожлантиришда, экспорт салоҳиятини оширишда, аҳоли бандлигини таъминлашда, давлат ва маҳаллий бюджет тушумини кенгайтиришда ўсиш нуқтасининг ҳиссаси юқори эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.



2-расм. Минтақанинг етакчи тармоғи (ўсиш нуқтаси)нинг иқтисодиётга таъсири<sup>4</sup>

Ўзбекистонда минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш борасидаги хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш натижалари ва уларни умумлаштирган ҳолда қатор хулосаларга келинган. Жумладан, минтақаларни комплекс ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш; номарказлашган минтақавий сиёсатни амалга

<sup>4</sup>Тадқиқотчи ишланмаси.

ошириш; туризми ривожлантиришда минтақада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш; ўсиш нуқталари, эркин иқтисодий зоналар, кластер концепцияларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланган.

Диссертациянинг “Бухоро вилояти иқтисодиётини комплекс ривожлантириш омиллари” деб номланган иккинчи бобида минтақадаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари, мавжуд тизимли муаммолар, табиий-иқтисодий салоҳиятнинг ўзига хос хусусиятлари чуқур таҳлил қилиниб, изчил иқтисодий ўсиш омиллари асослаб берилган.

1-жадвал.

**Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси<sup>5</sup>  
(аҳоли жон бошига, индекс)**

№	Кўрсаткичлар	2010 йил		2017 йил	
		Индекс (1.0 Ўзбекистон)	Минтакалар орасидаги ўрни	Индекс (1.0 Ўзбекистон)	Минтакалар орасидаги ўрни
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот	0,999	3	0,860	4
2.	Саноат ишлаб чиқариши	0,713	7	0,769	5
3.	Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	0,812	5	0,891	9
4.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш	1,441	5	1,602	2
5.	Инвестициялар	2,278	3	2,049	2
6.	Чакана савдо	1,272	4	1,107	4

Вилоятда 2010-2017 йилларда нисбатан юқори ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари кузатилди. Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўзгариши, ўз навбатида, вилоят иқтисодиётининг мамлакатдаги ўрнига маълум даражада таъсир кўрсатди (1-жадвалга қаранг).

Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида ҳам маълум ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар, асосан, хизматлар соҳасига тўғри келади. Уларнинг улуши 21,6 % дан (2000 йил) қарийб 36,7 %га ўсган (2017 йил) (2-жадвалга қаранг).

Вилоятда саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар, тадбиркорлик, экспорт салоҳияти, инвестицияларнинг ривожланиш тенденциялари туризм соҳаси билан ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилинган. Жумладан, хизматлар ҳажми 2010-2017 йилларда 3,5 марта ошган. Айниқса, туризм билан боғлиқ алоқа ва информатика (8,2 марта), савдо (6,4 марта), транспорт (6,8 марта) ва меҳмонхона хизматлари (47,0 марта) тез суръатлар билан ривожланмоқда. Маълум ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияларида тизимли муаммолар ва

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий <https://stat.uz> сайти маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ҳисобланган.

номутаносибликлар аниқланган. Иқтисодий ўсишни таъминлашда саноатнинг ўрни паст бўлиб (2017 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 18,4 фоиз), туризмга боғлиқ озиқ-овқат ва енгил саноатни ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд.

2-жадвал.

**Бухоро вилояти ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибининг ўзгариши (% ҳисобида)<sup>6</sup>**

Кўрсаткичлар	2000 йил	2010 йил	2016 йил	2017йил	2017 йил 2000 йилга нисбатан
Ялпи ҳудудий маҳсулот-жами	100,0	100,0	100,0	100,0	-
шу жумладан:					
саноат	14,2	15,0	15,5	18,4	+ 4,2 %
қурилиш	5,3	6,8	10,0	9,4	+ 4,1 %.
қишлоқ хўжалиги	34,1	27,0	25,3	26,2	- 7,9%.
хизматлар	21,0	32,7	39,2	36,7	+ 15,7 %.
бошқа хизматлар, солиқлар	25,3	18,5	10,0	9,3	- 16,0 %.

Қишлоқ хўжалигида тубдан таркибий ўзгаришларни амалга ошириш лозим. Айниқса, сифатли ва экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш зарур. Хизматлар соҳасида талаб ва таклиф ўртасида номутаносибликлар мавжуд бўлиб, илғор инновацион технологияларни жорий этишда сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Вилоятда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма, шаҳар ва туманларни комплекс ривожлантиришда, қулай инвестиция муҳитини яратишда, чет эл сармояларини жалб қилишда ҳам тизимли муаммолар борлигини таҳлил натижалари кўрсатди. Расмий маълумотларга кўра, вилоятда таҳлил даврида туристик экскурсия ва меҳмонхона хизматлари 2,4 марта ошишига қарамадан уларнинг умумий хизматлар ҳажмидаги улуши жуда паст даражада (0,5%) сақланиб қолмоқда.

Умуман, вилоятда 2017 йилда 104 525 кишига ташки туризм хизматлари кўрсатилган, бу хизматларнинг мамлакат бўйича улуши 2016 йилда 12,6 %ни, 2017 йилда эса 13,4% ни ташкил этган. Бу кўрсаткич Самарқанд вилоятига нисбатан 3,0 марта камдир.

Муҳим муаммолардан бири мамлакат минтақалари, жумладан, Бухоро вилоятида туризмнинг иқтисодий ўсишдаги ўрни бўйича аниқ статистик маълумотларнинг шаклланмаганлигидир. Бухоро вилояти ялпи ҳудудий маҳсулотининг шаклланишида туризмнинг улушини аниқлаш учун махсус

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий <https://stat.uz> сайти маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ҳисобланган.

монографик сўровнома услуги таклиф этилган. Уни амалиётда қўлаш натижасида туризмни вилоят иқтисодий салоҳиятидаги, яъни ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 2,8% эканлиги аниқланган (ушбу кўрсаткич республикада 2017 йилда 3,0%ни, дунё миқёсида 10,0% ташкил этади).

Тадқиқотда корреляция коэффицентлари орқали вилоятнинг асосий макро кўрсаткичлари билан туризмнинг ривожланиши орасидаги боғлиқлик аниқланган (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал.

**Бухоро вилоятининг иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари билан ўсиш нуктаси (туризм) ўртасидаги боғлиқлик даражаси (йиллик ўсиш суръатлари фоизда)<sup>7</sup>**

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	R <sup>2</sup>
Ялпи ҳудудий маҳсулот	109,6	109,1	107,9	108,0	108,2	109,1	107,9	101,7	0,70
Саноат ишлаб чиқариши	110,3	107,1	104,8	110,8	107,6	108,0	107,3	100,8	0,51
Истемол товарларини ишлаб чиқариш	109,0	108,7	103,6	102,8	110,9	113,4	116,8	97,4	0,70
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш	107,8	107,1	106,3	106,6	106,8	107,0	107,0	101,6	0,39
Инвестициялар	72,0	117,7	107,5	100,4	101,8	104,3	123,9	151,7	0,91
Савдо	110,7	118,0	113,1	114,9	114,5	114,6	114,8	100,4	0,62
Хизматлар	118,0	110,8	113,5	116,4	112,1	110,1	115,2	103,6	0,80
Туризм хизматлари	106,0	112,0	109,0	138,0	108,0	114,0	121,0	132,0	-


Ҳисобланган корреляция коэффицентига мувофиқ вилоятда туризм билан хизматлар (0,80), инвестициялар (0,91), ялпи ҳудудий маҳсулот (0,70) ўртасида нисбатан юқори чизикли боғланиш борлиги аниқланган. Бошқа тармоқларда (савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги) боғлиқлик нисбатан паст эканлигини кўриш мумкин. Мавжуд расмий маълумотлар вилоятда туризмнинг ривожланиш ҳолатини тўлиқ ва аниқ акс эттира олмаслиги сабабли, таклиф этилган усуллар асосида аниқланган кўрсаткичлар туризмнинг иқтисодий ўсишга, аҳоли даромадлари ва бандлигини таъминлашга таъсири имкониятлари, ички ва ташқи сайёҳлар экспорт салоҳиятида ҳам самарали фойдаланилмаётганлигини кўрсатмоқда.

Муаллиф томонидан Бухоро вилоятида ўсиш нуктаси (етақчи тармоқ) салоҳиятининг шаклланиши ва таркиби бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилган (3-расмга қаранг).

Вилоятнинг табиий-иқтисодий, жумладан, туристик салоҳияти бешта асосий гуруҳдан иборат (табиий салоҳият, тарихий обидалар ва ёдгорликлар,

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий <https://stat.uz> сайти маълумотлари асосида тадқиқотчи ҳисоб-китоби.

инфратузилма объектлари, ижтимоий ва иқтисодий салоҳият). Илмий адабиётларда таклиф этилган минтақа салоҳиятини баҳолаш усулларини танқидий таҳлил қилиш асосида Бухоро вилоятида тарихий обидаларнинг туризм салоҳиятидаги ўрни 72% ни, табиий имкониятлар 20% ни, ижтимоий ресурслар 8,0% ни ташкил этиши объектив ҳолат эканлиги асосланган.



3-расм. Бухоро вилояти иқтисодийнинг асосий ўсиш нуктаси салоҳиятининг шаклланиши ва таркиби<sup>8</sup>

Алоҳида гуруҳга ажратилган ижтимоий салоҳиятда демографик вазият, аҳолининг ёш таркиби, меҳнат ресурслари, кадрлар тайёрлаш, ижтимоий инфратузилма, маҳаллий аҳолининг меҳмондўстлиги, ўрта синфнинг шаклланиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган.

Мамлакат ва вилоятнинг келажакдаги демографик салоҳиятини (ёши бўйича) ўрганиш натижасида ички туризмга бўлган талаб аниқланган. Хорижий давлатлар, жумладан, Корея Республикаси, Таиланд, Малайзия тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ички туризмнинг асосий сайёҳларини мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари, олий ўқув муассаса талабалари ва аҳолининг бошқа катламлари ташкил этиб, Бухоро вилоятида келажакда шаклланидиган ички туризмга бўлган умумий талаб 5,0 млн. кишига етиши мумкинлиги ҳисобланган.

Таъқиқотда минтақа минерал хом ашё базаси, асосан газ ва газ конденсати салоҳияти мамлакатда стратегик аҳамиятга эга бўлган ёқилғи

<sup>8</sup>Таъқиқотчи ишланмаси.

саноатининг шаклланишига маълум ҳисса қўшади. Лекин унинг минтақа иқтисодиёти тармоқларига таъсири нисбатан паст.

Умуман, Бухоро вилоятида асосий ўсиш нуқтаси бўлган туризмни барқарор ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Улар жаҳоншумул аҳамиятга эга тарихий-маданий обидалар ва ички туризмга бўлган юқори талаб, чўл ва чўлолди зоналари салоҳияти, имкониятлари, бой меҳнат салоҳияти, вилоятнинг мамлакат марказида жойлашуви, транспорт инфратузилмасининг нисбатан шаклланганлигидан иборат.

Диссертациянинг “Бухоро вилояти иқтисодиётини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш” номли учинчи бобида асосий эътибор минтақа иқтисодиётини етакчи тармоқ (туризм) билан боғланган ҳолда ягона тизим сифатида ривожлантириш модели таклиф қилинган, уларни ўзаро боғлиқликда тараққиётининг мақсадли кўрсаткичларини аниқлашга, таклиф этилаётган чора-тадбирларни амалга ошириш механизмини такомиллаштиришга қаратилган.



4- расм. Минтақа иқтисодиёти ва туризмни ягона тизим сифатида ривожлантириш модели<sup>9</sup>

Муаллиф томонидан Бухоро вилоятида иқтисодиёт ва туризмни ягона тизим сифатида ривожлантириш модели ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ўзига

<sup>9</sup>Талқинотчи ишланмаси.

хос хусусияти минтака иқтисодиёти ва туризмга келажақда яхлит тизим сифатида қарашдан иборат. Бунда асосий ёндашув, биринчидан, туризмга вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг таянч ва асосий ўсиш нуқтаси сифатида қараш, иккинчидан, вилоятнинг жаҳон ва мамлакат миқёсида туризм соҳасига ихтисослашуvidан иборат (4-расмга қаранг).

Моделнинг асосий йўналишлари юқори иқтисодий ўсиш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш орқали иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, транспорт-муҳандислик ва хизматлар инфратузилмасини жадал ривожлантиришдан иборат.

Келажақда моделни амалга ошириш учун мақсадли дастур усулидан фойдаланган ҳолда аниқ эришиладиган натижаларни асослаш лозим. Ушбу жараёни тўртта босқичда амалга ошириш таклиф этилган: I-босқич-мамлакат ва вилоят даражасида иқтисодиёт ва туризмни ривожлантиришнинг устувор мақсадларини аниқлаб олиш; II-босқич – мамлакат ва вилоятда иқтисодий ўсиш, уни таъминлашда туризмнинг ўрнини белгилаш; III-босқич – мамлакат ва вилоятда иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, туризм билан боғлиқ тармоқларни ривожлантириш йўналишларини аниқлаш; IV-босқич – мамлакат ва вилоятда туризм билан боғлиқ хизматларни ривожлантириш мақсадларини асослаш.

Таклиф этилган босқичлар асосида тадқиқотда вилоят иқтисодиёти ва туризмни ўзаро боғланган ҳолда келажақда ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳисобланган (4- жадвалга қаранг).

Вилоятни ривожлантиришнинг асосий мақсадли натижаси – иқтисодиётнинг барқарор юқори суръатлар билан ўсишини таъминлаш. Бундай натижага эришиш учун асосий ўсиш нуқтаси сифатида туризм белгиланган. Дастурда 2017-2030 йилларда Бухоро вилояти асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўсиш суръатлари мамлакат кўрсаткичларидан юқори белгиланган.

4-жадвал.

**Бухоро вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг мақсадли кўрсаткичлари (йиллик ўсиш суръатлари, %) <sup>10</sup>**

Кўрсаткичлар	2017 йил	2021 йил	2025 йил	2030 йил	2030 йил 2017йилга нисбатан
Ялпи ҳудудий маҳсулот	3,6	6-7	7-8	8-9	5,4 %
Саноат маҳсулотлари	0,8	7-8	8-9	9-10	9,2 %.
Қишлоқ хўжалиги	1,6	4-5	5-6	6-7	5,4 %.
Савдо	0,4	3-5	7-8	8-10	9,6 %.
Хизматлар	3,6	4-6	8-9	10-12	8,4 %.

<sup>10</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 майдаги “2017-2018 йилларда Бухоро вилоятини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги 287-сонли Қарори маълумотлари ва муаллиф ҳисоблаган вилоятни ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари.

Бу даврда ялпи худудий маҳсулот 2,8-3,0 марта, саноат маҳсулотлари 3,2-3,4 марта, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 1,6-1,8 марта, савдо 3,2-3,4 марта, хизматлар 3,5-3,6 мартага ошади (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал.

**Бухоро вилояти иқтисодий ва туризмни ривожлантиришнинг истиқболдаги мақсадли кўрсаткичлари<sup>11</sup>**

Кўрсаткичлар	2017 йил	2021 йил	2025 йил	2030 йил	2030 йил 2017 йилга нисбатан
Туризмнинг ялпи худудий маҳсулотдаги улуши, %	2,8	5,0	7,0	10,0	+7,2%
Туризм ва унга боғлиқ иқтисодий тармоқларида банд бўлганлар сони, минг киши	58,2	75,0	150,0	245,0	4,2 марта
Экспорт ҳажмида туризмнинг улуши, %	48,0	53,0	60,0	70,0	+22%
Саноатда туризм билан боғлиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш улуши, %	5,0	7,0	10,0	15,0	+10%
Қишлоқ хўжалигида туризм билан боғлиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш улуши, %	23,0	28,0	32,0	35,0	+12%
Хизматлар соҳасининг туризм билан боғлиқ хизматлар улуши, %	30,0	34,0	37,0	42,0	+12%

2017-2030 йилларда мақсадли кўрсаткичлар сифатида ялпи худудий маҳсулотда туризмнинг улушини 7,2 %, туризм ва унга боғлиқ тармоқларда банд бўлганлар сонини 4,2 марта, экспорт ҳажмида туризмнинг улушини 22%, саноатда туризм билан боғлиқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришни 10% га ошириш мўлжалланган.

Муаллифнинг фикрича, Бухоро вилоятида иқтисодий ва туризмни мутаносиб ривожлантириш механизмини такомиллаштириш учта йўналишда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ (5-расмга қаранг).

Биринчи йўналиш – илмий ва инновацион таъминлаш, иккинчиси – ташкилий ва иқтисодий таъминлаш, учинчиси – ҳуқуқий таъминлашдан иборат.

Илмий ва инновацион механизмлар сифатида иқтисодий ва туризмнинг ривожланиш ҳолатини чуқур таҳлил қилиш ва вилоят ҳокимлиги ҳузурида мустақил марказ ташкил қилиш, тизимли мониторинг ўтказиш бўйича инфор­мацион базани шакллантириш учун вилоят кесимида аниқ расмий статистик маълумотларни илғор технологиялар асосида ҳисоблашга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш тақлиф этилган.

Тадқиқотда ташкилий-иқтисодий механизмларга асосий эътибор қаратилган. Вилоятни иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ҳамда беш йилга мўлжалланган мақсадли давлат дастурини ишлаб чиқиш, Бухоро, Когон ва Ғиждувон шаҳарлари доирасида маҳсус

<sup>11</sup>EVIEWS-10 дастурий таъминоти ёрдамида тадқиқотчи ҳисоб-китоби.

туристик кластерларни шакллантириш зарурлиги илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Ички ва ташқи туризмни ривожлантириш вилоятда “Зиёрат туризми” тизимини шакллантириш мақсадида иккита йўналиш: Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи ва машҳур Етти пир зиёратгоҳлари салоҳиятидан самарали фойдаланиш таклиф этилган. Нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиёда машҳур “Ситораи Мохи Хоса” санаториясини халқаро андозалар асосида қайта таъмирлаш вилоятнинг хизмат кўрсатиш салоҳиятини сезиларли даражада ошириш имконини беради.



5-расм. Бухоро вилояти иқтисодий туризм келажакда ривожлантириш механизмлари тизими<sup>12</sup>

Вилоятнинг табиий салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида Бухоро Миллий чўл музейини ташкил қилиш, уни Буёқ Ипак йўли халқаро лойҳасига киритиш лозимлиги асосланган.

Саноат ва қишлоқ хўжалигида туризм билан боғлиқ тармоқларни ривожлантириш бўйича қатор инвестиция лойҳаларини амалга ошириш

<sup>12</sup>Талқинотчи ишланмаси.

имкониятлари мавжуд. Жумладан, шойи ва ипак матолари, миллий кийим-кечаклар, хунармандчилик, гилам, зардўзлик ва қорақўл маҳсулотлари, сайёҳларни сифатли озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида мева-сабзавот, полиз маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, вилоятда амалга ошириш мўлжалланаётган ҳар қандай йирик инвестиция лойиҳасини туризм билан боғланган ҳолда экспертизадан ўташиш кераклиги тақлиф қилинган.

Вилоятда “Ҳалол индустрия” бозорини шакллантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Бухоро “ҳалол” бренди билан гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, миллий таомлар, қурилган ва ҳўл мевалар, қовун ва қовун қоқи, кичик қадокларда анжир, олма, беҳи мураббоси ва джем, салкин ичимликлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш асослаб берилган.

Хуқуқий-меъёрий таъминлаш механизмларини такомиллаштириш мақсадида вилоят иқтисодиётини ривожлатиришда давлат бошқарув органлари вазибалари ва масъулиятини босқичма-босқич маҳаллий ҳокимликларга бериш, маҳаллий бюджет имкониятларини кенгайтириш, Бухоро вилоятида ички туризмни ташкил этишга қаратилган меъёрий ҳужжатларни апробациядан ўтказиш, маҳаллий халқ депутатлари кенгашларининг қарор қабул қилишдаги ўрни ва масъулиятини ошириш лозим.

## ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулоса ва тақлифлар ишлаб чиқилган:

1. Иқтисодиёт манфаатлари тўғрисидаги назария ва илмий қарашлар асосида давлат, минтақа ва тармоқ манфаатлари ўртасидаги боғлиқлик барқарор ривожланиш ҳамда мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланишни таъминлайди.

2. Минтақанинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда етакчи тармоқ ва ўсиш нуқтаси сифатида туризм белгиланган. Унинг иқтисодиётнинг барча тармоқларига (саноат, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий соҳа, транспорт, қурилиш, даромад ва бандлик, экспорт, бюджет тизими) бевосита таъсир ўтказиши аниқланди.

3. Таҳлиллар вилоят макроиқтисодий кўрсаткичлари ва ўсиш нуқтаси бўлган етакчи тармоқ ўртасидаги корреляцион боғлиқлик коэффициентини умумий хизматлар, инвестициялар, ялпи ҳудудий маҳсулот бўйича юқори, савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги билан эса нисбатан пастроқ даражада эканлигини кўрсатади.

4. Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияларида, маълум ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, тизимли муаммолар мавжуд. Улар: иқтисодиёт таркибида саноат ва туризм хизматлари улушининг пастлиги, экспорт ҳажмининг бой табиий-иқтисодий имкониятларга мос

келмаслиги, мавжуд инвестиция мухити нисбатан юқори даражада эмаслиги билан боғлиқ.

5. Расмий маълумотлар вилоятнинг иқтисодий ўсишида туризмнинг улушини аниқ кўрсата олмайди. Шу сабабли таклиф этилган монографик сўровнома орқали унинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши юқори эмаслиги аниқланди.

6. Вилоятнинг ўзига хос афзалликлари, унинг табиий-иқтисодий салоҳияти қадимий тарихий ёдгорликлар, иқлим ва географик жойлашув, бой минерал хом ашёлар, қулай транспорт инфратузилмаси, ўрта синфнинг шаклланиши, демографик вазият билан белгиланади.

7. Таклиф этилган вилоят иқтисодиёти ва туризмни ўзаро ягона тизим сифатида барқарор ривожлантириш модели юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, инфратузилма объектларини жадал тараққий эттириш, хизматлар турини кенгайтириш асосида аҳоли даромадлари ва бандлигини оширишни кўзда тутади.

8. Вилоят иқтисодиётини узоқ муддатда барқарор ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари, чора-тадбирлар тизими ва уларни амалга оширишнинг илмий-инновацион, ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.

9. Иқтисодий механизм сифатида узоқ муддатда вилоятни ривожлантириш стратегиясини, иқтисодиёт бўйича беш йиллик тараққиёт давлат дастурини ишлаб чиқиш, махсус кластерларни (Бухоро, Когон, Ғиждувонда) шакллантириш, маҳаллий ҳокимият органлари мустақиллиги доирасидаги вазибалари ва масъулиятини кенгайтириш талабларидан келиб чиққан ҳолда “ҳалол” маҳсулотлар ва тўқимачилик буюмлари, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, янги хизмат турларини жорий этиш каби инвестицион лойиҳаларни туризм билан боғлиқликда экспертиза қилиш мақсадга мувофиқдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.05.2018.I.01.11.  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ХИДИРОВА ГАВХАР РУСТАМОВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА СОЦИАЛЬНО-  
ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ**

08.00.12 – Региональная экономика

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ЭКОНОМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2019**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.А. PhD/Qt177.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узб., рус, англ. (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.nsu.uz](http://www.nsu.uz)) и в Информационно-образовательном портале "ZiyoNET" ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** Ахмедов Турсун Мухитович  
доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Назаров Шарафиддин Хакимович  
доктор экономических наук,  
Низомов Аслиддин Бадриддинович  
доктор экономических наук, профессор

**Ведущая организация:** Ургенчский государственный университет

Защита диссертации состоится 29 марта 2019 г. в 14<sup>30</sup> часов на заседании Научного совета по присуждению ученой степени DSc.30.05.2018.I.01.11. при Национальном университете Узбекистана. Адрес.: 100174, Ташкент, ул. Университетская, 4, тел.: 998-71-227-12-24, факс.: 998-71-246-53-21, 246-02-24. E-mail: [rector@nsu.uz](mailto:rector@nsu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № 15). Адрес.: 100174, Ташкент, ул. Университетская, 4, тел.: 998-71-227-12-24, факс.: 998-71-246-53-21, 246-02-24. E-mail: [rector@nsu.uz](mailto:rector@nsu.uz)

Автореферат диссертации разослан \_\_\_\_\_ 2019 г.  
(Реестр протокола рассылки № 2 от "11" марта 2019 г.)



**Ш.Г. Юлдашев**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, доктор  
экономических наук, профессор

**П.З. Хашимов**  
Учёный секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, кандидат  
экономических наук, доцент

**А.М. Садиков**  
Председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых  
степеней, доктор экономических наук,  
профессор.

## **Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Мировая практика и результаты научных исследований показывают, что эффективное использование природно-экономического потенциала и возможностей региона становятся одними из основных факторов экономического роста страны. При этом обращается особое внимание на комплексное развитие каждого региона путём обеспечения рационального использования его конкурентоспособных преимуществ, существующего природного, минерально-сырьевого, промышленного, сельскохозяйственного, трудового потенциала и возможностей сферы услуг.

В последние годы и в Узбекистане резко усиливается внимание комплексному развитию регионов, принимаются нормативно-правовые документы, реализуются специальные государственные программы и меры. В связи с этим необходимо привести высказывание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева о том, что в ряду приоритетных задач, которые надо реализовать для поднятия на новый, ещё более высокий уровень экономические реформы, находится задача последовательного осуществления мер по комплексному развитию регионов<sup>13</sup>.

В этой связи актуальными являются разработка стратегии развития, направленной на эффективное использование существующего потенциала региона, выявление новых факторов, обеспечивающих высокие темпы экономического роста. Особенно важным являются выявление ведущих отраслей, имеющих конкурентные преимущества и обеспечивающих стабильный экономический рост; научно-методологическое обоснование их влияния на развитие других отраслей в регионе; применение на практике передового зарубежного опыта, инновационных методов и моделей.

Настоящее диссертационное исследование в определённой степени служит реализации приоритетных направлений и задач, намеченных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 8 сентября 2017 года №УП-5185 «Об утверждении Концепции административной реформы в Республике Узбекистан», от 10 января 2019 года №УП-5623 «О мерах по коренному совершенствованию процессов урбанизации», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 8 августа 2017 года №ПП-3182 «О первоочередных мерах по обеспечению ускоренного социально-экономического развития регионов», а также других нормативно-правовых документах по комплексному развитию регионов.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

---

<sup>13</sup> Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. «Народное слово». 29 декабря 2018 года.

**Степень изученности проблемы.** Некоторые научно-методологические и практические аспекты социально-экономического развития регионов исследованы такими зарубежными и отечественными учеными, как М.Бандман, Ж.Будвилль, Ф.Перру, В.Кристаллер, А.Леш, У.Изард, А.Гранберг, С.А.Суспицин, А.С.Солиев, М.А.Абдусаломов, К.Х.Абдурахмонов, Х.П.Абулкосимов, Т.М.Ахмедов, А.А.Каюмов, Б.Р.Рузметов, Ф.Т.Эгамбердиев, А.М.Содиков, Ш.Х.Назаров, А.М.Кодиров, А.В.Маматкулов и др.<sup>14</sup> Однако в большинстве научных исследованиях основное внимание уделено традиционному социально-экономическому развитию регионов. При этом недостаточно исследованы модели стратегического планирования на основе точек (отраслей) роста развития, мультипликативного эффекта, единой системы и взаимосвязи. Поэтому весьма актуальным является совершенствование механизма экономики региона, как единой системы путём выявления отрасли, которая станет в будущем основной опорой для её дальнейшего развития. Это послужило основой для выбора темы данного исследования.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Исследовательская работа выполнена в рамках плана научно-исследовательских работ Бухарского государственного университета на тему: "Пути эффективного использования туристического потенциала в комплексном развитии региона".

**Цель исследования** заключается в разработке научных предложений и практических рекомендаций, направленных на совершенствование механизма перспективного социально-экономического развития Бухарской области.

**Задачи исследования:**

обосновать место и значение отраслей в обеспечении экономического роста региона;

разработать методологические предложения касательно взаимосвязи и влияния отраслей на социально-экономическое развитие региона;

выявить тенденции, системные проблемы и факторы социально-экономического развития экономики области;

---

